

Ислом билан неъматлантирилганман



08:00 / 22.06.2020 2469

Иброҳимдан ривоят қилинади: «Бир киши Зухайр ибн Нуъаймга: «Эй Абу Абдурахмон, сиз кимлардансиз?» деди. У: «Ислом неъматини билан неъматлантирилганларданман», деб жавоб берди. Ҳалиги киши: «Мен насабни назарда тутган эдим», деди. Шунда Зухайр ибн Нуъайм: «**Қачонки сур чалинса, (қиймат бошланса) ана ўша куни уларнинг ўрталарида (ҳеч қандай) насаблар қолмас ва улар ўзаро савол-жавоб ҳам қила олмаслар**» (Мўминун сураси, 101-оят) оятини ўқиш ила жавоб берди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан